



Ойшасултон Бегим - I. Бобурнинг биринчи хотини, Султон Ахмад Мирзoning учинчи кизи. Онаси - Кутлук Бегим. Бобурга болалигида унаштириб қўйилган ("Б.", 20а). Бобур у пайтда беш ёшда бўлиб, Самаркандга, амакиси хонадонига ота-онаси билан ташриф буюрган эди.

Бобур Андижонни ҳам, Самаркандни ҳам қўлдан чиқариб Хўжандда турган вақтида, Ойшасултон Бегим шу ерга келган ва Бобур уни никоҳига олган (1499 й.). Бобур Самаркандни забт этганидан бир неча кун кейин уларнинг биринчи фарзани: тугилган (1500 й.). Унга Фахриннисо деб исм берилган, лекин кизча қирк кун ҳам ўтмай вафот этган.

Бобур бирмунча вақт Тошкентда, Султон Махмудхон ҳузурида турганида, Ойшасултон Бегим онаси Робиясултон Бегимнинг аралашув билан Бобур никоҳидан чиққан. Кейинчалик у барибир Бобур саройидан паноҳ топган. 1531 й. Лғрода ўтказилган "Тилсим тўйи"да Ойшасултон Бегим Ҳумоюннинг яқинида ўтирган.

II. Бобурнинг невараси, Комроннинг иккинчи кизи. Онаси Хоним деб аталган. Ҳумоюн К булни қайта қўлга киритганида, Қўлобда турган Комрон ундан хайиқиб, Ойшасултон Бегимни Толиконга олиб кетган.

"Бобур Энциклопедияси" китобидан